ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION Of TRADE UNIONS Of UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

25 апрель, шанба 1998 йил №48 (550)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

2-бетда
УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИМИЗ

3-бетда
TV ДАСТУРИ

4-бетда
ОИЛА БИР ДАВЛАТКИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини, масъулиятларини янада ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг маошлари иш ҳақи тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб икки разрядга оширилсин. Маошларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар маҳаллий бюджет ҳисобидан қоплансин.

2. Катта ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида алоҳида обрў-эътиборга эга бўлган кишиларни ижтимоий фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг нафақадаги раисларига нафақалар тўла миқдорда тўлансин. Нафақаларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплансин.

3. Мазкур масалаларнинг амалга оширилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган ваколатларини амалга оширишлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

- 1998 йилнинг охиригача фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, уларга амалий ёрдам бериш тадбирларини жорий этсинлар;

- маҳаллалар ва фуқаролар йиғинлари самарали фаолият кўрсатишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериб, уларнинг асосий фаолиятини аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этишни таъминлашга, маиший-хўжалик, маданий-маърифий масалаларни ҳал қилишга йўналтирсинлар;

- жойлардаги жамоат ташкилотларининг ишфаолиятларини маҳаллалар билан узвий боғланган ҳолда олиб боришни ташкил қилсинлар.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда шахсан ҳокимларнинг масъул эканликлари таъкидлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 апрель

Иқтисодиёт хабарлари

Яна бир қўшма корхона

Андижонда «Ўзавтосаноат» уюшмаси ҳамда Кореянинг «Донгжу индастрил» компанияси ҳамкорлигида барпо этилаётган «Ўз-Донгжу Пэйнт компани» қўшма корхонасининг биринчи навбати ишга тушди. У Асакадаги «ЎзДЭУавто» заводи учун ранг-баранг автомобиль бўёқлари, герметик маҳсулотлар, автомашиналар корпусига дастлабки ишлов беришда қўлланиладиган эритгичлар, жами ўттиз турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Барча қурилиш ишлари «Андижонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бинокорлари томонидан амалга оширилмоқда. Қўшма корхонада Корея, Япония, Германиядан келтирилган замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилмоқда.

Ушбу корхона «Нексия», «Тико» ва «Дамас» автомобиллари учун бутловчи қисмлар етказиб берадиган бешинчи қўшма корхонадир. «ЎзДЭУавто» заводининг ижрочи директори Ҳасанбой Аҳмедовнинг изоҳлашича, бугунги кунда биринчи ўзбек автомобиллари учун зарур қисмларнинг 30 фоизи республикамизда ишлаб чиқарилмоқда.

К.НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Япония ташқи ишлар вазири Кейдзо Обутининг расмий баёнотига кўра, шу йилнинг куз ойларида Бош вазир Рютаро Хасимото Россияга расмий ташриф буюради. Ташриф давомида Россия ва Япония ўртасидаги Курилл ороллари билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилади.

* * *

Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири Клаус Кинкелнинг расмий баёнотига кўра, халқаро ҳамжамият Сербияга қарашли Косово ўлкаси муаммосини ҳал қилишда фаол иштирок этиши керак. Германия ташқи сиёсий маҳкамаси раҳбарининг таъкидлашича, Косовога мустақиллик берилиши лозим.

* * *

12-24 май кунлари Францияда халқаро Канн кинофестивали бўлиб ўтади. Мазкур кино анжуманида жаҳоннинг ўн икки мамлакаткати вакиллари иштирок этадилар. Канн кинофестивали танловида ана шу давлатларнинг кино усталари томонидан яратилган 22 та кинофильм намойиш этилади.

* * *

Стокгольмда Финляндия, Швеция ва Россия давлатлари вакилларининг учрашуви бошланди. Унда мазкур уч давлатнинг шимолий минтақаларда хавфсизликни кучайтириш борасида ҳамкорлиги масалалари муҳокама этилмоқда.

* * *

Украина пойтахти Киевда Чернобиль атом электростанциясидаги портлаш оқибатларини бартараф этишга қаратилган халқаро учрашув бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Франция ва Германия вакиллари Украина билан ҳамкорликда Чернобиль ҳалокати оқибатларини йўқотиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишга келишиб олдилар.

* * *

Сербия аҳолиси ўртасида референдум ўтказилди. Серб фуқаролари Косово ўлкаси атрофидаги можароларни ҳал этишда чет эл сиёсатдонлари қатнашиши мумкинми, ёки йўқми, деган саволга жавоб бердилар. Дастлабки маълумотларга қараганда, референдумда Сербия аҳолисининг 60 фоизи иштирок этган.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИМИЗ

Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси

**** Янги шароитлар - янгича муносабат***
**** Касаба уюшма таркибий тузилмалари қандай бўлиши керак?***
**** Қўшма корхона ходими ижтимоий ҳимояга муҳтож эмасми?***
**** Меҳнат самарадорлиги - юксак ижтимоий ҳимоя воситаси***
**** Касаба уюшмалари хусусий тадбиркорлар ҳимоячиси***

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг V мажлиси касаба уюшмалари ҳаётида муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Чунки, ушбу мажлисда касаба уюшмаларининг XV қурултойи арафасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг касаба уюшма фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувида билдирган таклиф ва тавсиялари асосида қабул қилинган республикамиз касаба уюшмалари фаолиятида муҳим роль ўйновчи қарорларни амалга оширишдаги сусткашликлар, мавжуд камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди ҳамда уларни бартараф этишнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизимида юз бераётган туб иқтисодий ислоҳотлар, жамиятда шаклланаётган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, мулкдорлар синфининг пайдо бўлаётганлиги миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни тиклаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар касаба уюшмалари фаолиятини янгича мазмун билан бойитишни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари фаолиятига зарур тузатишлар киритиш долзарб масалалардан биридир. Бунинг учун биринчи галда касаба уюшмалари бошқарув тузилмаларини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш масаласи кун тартибига қўйилди.

Шунингдек, бугунги миллий истиқлол ғоялари ва янги давр талаблари касаба уюшмалари олдига меҳнаткашлар манфаатлари устиворлигини таъминлаш жараёнида ўз ўрнини аниқ белгилаб олишдек янги долзарб вазифани қўйди.

Бундай улкан вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш Президентимиз қайта-қайта такрорлаб келаётган одамлар тафаккурини ўзгартириш борасидаги ишларимиз самарасига боғлиқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда, давлат сиёсати даражасига кўтарилган маърифий-маънавий йўналишни касаба уюшмаларининг барча жабҳаларидаги фаолиятига чуқур сингдириб бориш асосий мезон қилиб белгиланди. Демак, янгича фикрлайдиган, тараққиёт мезонларига жавоб бера оладиган юксак маърифатли, онгли фуқароларни тарбиялаш ишида касаба уюшмаларининг фаол иштирокини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Галдаги муҳим масала сифатида халқ хўжалигини бошқаришдаги ўзгаришларни, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда касаба уюшмалари иштироки самарадорлигини ошириш имкониятларини ҳисобга олиб, касаба уюшма органлари таркибий тузилмаларини такомиллаштириш вазифасини ҳал этишга киришилди. Хусусан, металлургия ва машинасозлик тармоқлари, мебел, маҳаллий, енгил саноат ва коммунал-маиший корхоналар, ёқилғи энергетика, геология ва саноатнинг кимёвий турлари ходимлари касаба уюшма органларининг йирик, салоҳиятли ташкилотларини шакллантириш борасида иш олиб борилмоқда.

Тармоқлараро касаба уюшма органларининг ихтиёрий бирлашуви жараёнлари кейин ҳам давом этишини таъкидлаб ўтиш зарур. Бундай таркибий ўзгаришлар тармоқ ташкилотларининг куч-қудрати ва салоҳиятини оширишни жаҳон касаба уюшма ҳаракати тажрибаси ҳам кўрсатмоқда. Чунки, тармоқ марказий кўмиталари қанчалик йирик, қудратли бўлса, тизимдаги йирик муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлади. Бундан ташқари, ушбу жараён бошқарув харажатларини камайтиради, бюрократик устқурмалар пайдо бўлишига барҳам беради.

Касаба уюшмалари тизимида бошқарувни соддалаштириш ишлари қуйи ташкилотларда, яъни вилоят, шаҳар, туман миқёсларида ҳам давом эттирилади. Маълумки, турли баҳоналар билан кейинги йилларда айрим вилоятларда касаба уюшмалари туман кенгашлари тузила бошланган эди. Айни пайтда бошланғич ташкилотлардаги ишлаб чиқаришдан ажралган ходимлар сонининг ўсиб бориши ҳам кузатилаётганди. Касаба уюшмалари тизимидаги шу каби ҳолатлар бир томондан ўринсиз сарф-харажатларга олиб келса, иккинчидан, уюшма амалдорларининг кўпайишига сабаб бўлади. Шу ўринда туманларга бўйсунувчи шаҳарларда бир-бирини такрорловчи қўмиталарни тугатиш, уларни қўшиб юбориш вақти етиб келганини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Касаба уюшма ташкилотларини кўр-кўрона тузишдан воз кечиб, мақсадга мувофиқлиқ тамойилларига суяниш мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар талабларига мос келади.

Касаба уюшмалари тузилмаларидаги ислоҳотлар жараёнининг амалдаги кўринишларидан бири ташкилотга ҳозирги замон шароитида касаба уюшма ҳаракати мазмун-моҳиятини яхши тушунадиган, ватанпарвар, ғайратли ва зукко, янгича фикрлаб, янгича ишлайдиган мард ва фидойи, ташкилотчи кадрларнинг жалб этилаётганлигидир. Ҳақиқатан ҳам қисқа вақт ичида ташкилотимиз тармоқ ва ҳудудий органларининг қуйидан юқоригача қисмига янги кучлар кириб келди. Бу жараён барча миқёсларда изчил давом эттирилади.

(Давоми 2-бетда)

Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги олдидан

Алломанинг рамзий мақбараси

Буюк ватандошимиз Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан Бухоро шаҳар ҳокимлиги хайрли ишга қўл урди. Шаҳарнинг Сомонийлар боғидаги қадимий Чашмаи Аюб мажмуи ёнида улуғ алломанинг рамзий мақбараси бунёд этиладиган бўлди. Шу мақсадда меъморлар орасида энг яхши лойиҳа учун танлов эълон қилинди. Тақдим этилган ўнлаб ишлар орасида меъморлар Зебо Шарипова ва Зойир Қиличев ҳамкорликда яратган лойиҳа ғолиб деб топилди.

- Бўлажак ёдгорликнинг фазовий ечими исломнинг муқаддас рамзлари ҳисобланган ярим ой ва саккиз қиррали юлдуз ҳамда китоб шаклида бўлади,- дейди З.Шарипова. - Лойиҳамизга кўра, мақбарага келган зиёратчилар аввало Имом ал-Бухорийнинг шоҳ асари - «Ал-Жомиъ ал-Саҳиҳ»ни эслатувчи саккиз қиррали «Китоб»ни кўздан кечирадилар. «Ярим ой»нинг пастки қаватида ибодатхона жойлашган.

Хонанинг марказига зангори мармар идишда Имом ал-Бухорий дафн этилган қабрдан келтирилган тупроқ қўйилади. Зиёратчилар шу хонада Имом ал-Бухорий қаламига мансуб асарлар билан танишадилар.

«Ярим ой» аллома асарларидан келтирилган сўзлар ёзилган бўртма каллиграфик фриз билан қопланади. «Китоб»нинг ғарбида фаввора қурилади. Хуллас, мақбара буюк муҳаддиснинг юбилейига қутлуғ тўёна бўлади, деб ўйлайман.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон ва жаҳон

ҲАМКОРЛИКНИНГ УФҚЛАРИ КЕНГ

Ўзбекистонда Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга мазкур ташкилот раиси жаноб Тору Тоёшима бошчилик қилмоқда. Тошкентда Япониялик меҳмонлар иштирокида ўрта ва кичик хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган Ўзбекистон-Япония бизнес-семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон-Япония бизнес-семинария мамлакатимиз Бош вазири ўринбосари, Давлат мулк қўмитасининг раиси Виктор Чжен нутқи билан бошланди. У йиғилганларга, хусусан, япониялик меҳмонларга бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ҳукуматизмизнинг ўрта ва кичик хусусий бизнесни ривожлантириш борасидаги саъйи ҳаракатлари, мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган кенг имконият ва имтиёзлар ҳақида тўхталди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий ҳамкорлик борасида фикр билдириб, ҳамкорлигимиз уфқлари тобора кенгайиб бораётганидан мамнунлик изҳор этди.

Бизнес-семинарда шунингдек, Япония ташқи савдо ташкилоти раиси Тору Тоёшима, Япония кичик бизнес корпорациясининг умумий бўлими раҳбари Котаро Кимура, Токио ўрта ва кичик корхоналар ушмаси раиси муовини Хироси Иноуе жаноблар сўзга чиқдилар. Нотиқлар Японияда ўрта ва кичик хусусий бизнеснинг ривожланиш йўли, япон ишлаб чиқариш ва саноат соҳаларидаги илғор ўзгаришлар ҳақида сўзлаб бердилар. Япония ва Ўзбекистон ишбилармонларининг ҳамкорлигини кенгайтириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар борасида ўз фикрларини билдирдилар.

Анжуман давоми ҳар икки давлатнинг савдо сотиқ ва иқтисодиётнинг қайси соҳаларида ҳамкорлик қилиши ва мавжуд ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш борасида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Бизнес-семинар иштирокчилари Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маҳсулот айрбошлаш ҳажмини тобора ошириб боришга, икки ўртада ахборот ва мутахассислар айрбошлашга, икки давлат тадбиркор доираларининг ҳамкорлигини кучайтиришга келишиб олдилар.

Япон делегация раҳбари — Япония ташқи савдо ташкилоти раиси Тору Тоёшима биз билан мулоқотда шундай деди:

- Мен бизнес-семинарда қилинган ишлардан жуда катта қониқиш ҳис қилдим, — деди жаноб Тоёшима, — Биз ўзбекистонлик дўстларимиз билан икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, хусусан, савдо-иқтисодий алоқаларни ва ишбилармонлар ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан ўзаро фойдали масалаларни муҳокама этдик. Бугунги кунда Ўзбекистон бозорида Япониянинг ўндан ортиқ фирма ва компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида «Мицубиси корпорейшен», «Тойота», «Мицуи», «Ниссе Иваи Корпорейшен» кабилар бор. Бизнинг мақсадимиз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ана шу компанияларимиз сонини янада кўпайтиришдир. Япония ташқи савдо ташкилоти ўрта ва кичик хусусий бизнесни ривожлантириш тадбирларини амалга оширади. Ўзбекистонда ҳам ўрта ва кичик хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганидан жуда мамнун бўлдим. Бу соҳадаги ҳамкорлигимиз самарали равнақ топишига ишончим комил, деди Япония ташқи савдо ташкилоти раиси Тору Тоёшима.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи.

Олий Мажлис муҳокамасидаги масалалар

«ОИЛА» КОДЕКСИ—ОИЛА ТАЯНЧИ

Инсоннинг инсонлиги, унинг давомийлиги оиладан бошланади. Оила шу қадар муқаддас ва буюкки, у жамиятни, дунёни тебратиб турибди. Қайси мамлакат, қайси юртга борманг - оила ва унинг ўзига хос муаммоларига дуч келасиз. Муаммо бор жойда тараққиёт, истиқбол кўринади. Ҳақконий ва аниқ истиқбол учун ҳар қандай оила ўзининг муносиб улушини қўшиб боради. Мен тақдир тақозоси билан буюк Хитой мамлакатига борганимда, баъзи оилавий жиҳатларни кузатдим.

Хитойлик оила: тенг ва ҳар қандай юмушни баб-баравар амалга оширади. Эрнинг хотинига, хотиннинг эрга юк бўлганини кўрмадим. Тўғри, эр-оилада бошлиқ, бошқарувчи қолади. Хотин эса аёллик латофати ва назокатини йўқотмайди. Фарзандлари эса мустақил ва маслакдош.

Профессор дўстим мени хотини билан тайёрагоҳда кутиб олдию, сўрашиб улгурмасимиздан, бека университетга, дарсга шошилди.

... Иккинчи профессор дўстим хотини билан биринчи ўртоғимникига меҳмонга ейимлик ва ичимлигини ўзи билан бирга олиб келди. Бу хитойча ҳисоб-китобми? Ёки урф-одатми? Ўғли Америкада таълим олади.

Хаёлимга америкача оила келди. Аёл - АҚШда ниҳоятда эркин ва ўта мустақил. Ҳисоб-китобда аёл баъзи жиҳатлари билан эридан устун туради ҳам. Жумладан, уй-рўзғорни бут қилиш эрларга топширилади. Аёллар олган маошларни ўз харажатлари учун бемалол ишлатаверадилар. Албатта, бу ўринда эр бошқа, аёл бошқа яшайди, деган хулосага келмаслигимиз керак. Эр-хотин муҳаббати, садоқати ва фарзандлар камолатида бирдай ҳақ-ҳуқуққа эгадирлар.

Хўш, бу икки мамлакат оилалари жаҳон учун мезон бўла оладими? Дарвоқе, икки юздан ортиқ давлатда оилалар ўз мезони, ўзига хос ва мос урф-одатларига эга. Бироқ, оилавий ўзлик негизи асосан битта-жамиятни, дунёни ўз елкасида ушлаб туриш ва жаҳон цивилизациясини давом эттиришдир. Азалдан шундай, шу асосда қурилган бу кўҳна дунё?!

Мен қўлимга «Оила» кодекси лойиҳасини олар эканман, навбатдаги Олий Мажлис сессиясида иккинчи марта ўқишдан кейин қабул қилиниши, бунда - никоҳ, оилавий ва ота-оналар, болалар ва қариндошуруғлар муносабатлари - янги ҳуқуқий демократик давлат асоси ўз аксини топишини ҳис қилдим. Ҳозиргача фаолият кўрсатаётган «Никоҳ ва оила»

(Давоми 2-бетда)

ЮКСАЛИШНИНГ ТЎРТ ҲУҚУҚИЙ ОМИЛИ

Ер азал-азалдан инсон ризқ-рўзининг манбаи бўлиб келган. Собиқ иттифоқ йилларида унинг қадрига унчалик етилмади. Ундан имкон борича кўпроқ ҳосил олиш учун бободеҳқонлар усулига хилоф равишда турли-туман кимёвий дориларни қўлладик. Албатта, бу ўтмиш иллати, қувватини пасайтирдик. Шукурларким, Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгач, ерга нисбатан муносабат ўзгарди. Республикамиз Олий Мажлиси X сессиясида биринчи ўқишдаёқ маъқулланган Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳалари бунинг далилидир.

Бинобарин, мамлакатимизнинг ҳамма ерида бўлгани каби Наманган вилоятининг барча жамоа ҳамда фермер хўжаликларида ҳам бу муҳим ҳужжатлар қизғин кутиб олиниб, катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Халқ турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланган Ер, ундан фойдаланиш масаласи билан боғлиқ қонун лойиҳаларини, жумладан фуқаро манфаатини ҳимоялашни ўзининг бош шиорига айлантирган касаба уюшма ташкилотлари қизғин кутиб олиб ўзларининг муносабатларини билдирмоқдалар. Шу мавзуда давра суҳбатлари ташкил этишда, йиғилишлар ўтказилаяпти. Унда сўзга чиққанлар қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаган ҳолда ушбу муҳим ҳужжатларни янада такомилига етказиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини айтмоқдалар.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси фаоллари ва вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси бошлиқларининг ҳамда вилоят ҳокимлиги вакилларининг навбатдаги йиғилиши ҳам худди ана шу долзарб масалага бағишланди. Йиғилиш муқаддимасида Андижон Пахтачилик олийгоҳидан келган ҳуқуқшунос олимлар қонун лойиҳалари юзасидан атрофлича тушунчалар бердилар.

(Давоми 2-бетда)

УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон касаба уюшмалари истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ жаҳон касаба уюшмаларининг илғор тажрибасига таянган ҳолда ижтимоий шерикчилик тамойилини ўз фаолиятига асос қилиб олди. Ушбу тамойил республика Президентининг мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик ва фуқаро тотувлигини таъминлаш борасида олиб бораётган серқирра фаолиятига ҳамоҳанглиги билан айниқса аҳамиятлидир.

Бунинг муҳим объектив асослари борким, уларни алоҳида кўрсатиш ўринли деб ўйлаймиз.

Аввало, республика касаба уюшмалари энг оммавий жамоа ташкилоти бўлиб, унинг сафларига 7 миллиондан зиёд меҳнаткашлар жипслашган. Бундай улкан ташкилотнинг тор партиявий ёки синфийлик манфаатларини кўзлаб эмас, балки ижтимоий шерикчилик ва аҳоли барча қатламлари бирдамлиги тамойилига асосланиб фаолият юритиши мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, осойишталик, фуқаролар тотувлиги ҳамда жамият барча аъзоларининг фаровонлигини таъминлаш ишига салмоқли амалий ҳисса бўлиб қўшилади.

Иккинчидан, касаба уюшмалари Федерацияси таркибида 15 га яқин тармоқ республика органлари, 12 вилоят, Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши иш олиб бормоқда. Айни пайтда 123 вилоят, 738 шаҳар ва туман қўмиталари, 66 мингдан кўпроқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолият юритмоқда. Амалда қарийб барча корхона, хўжалик ва муассасаларда касаба уюшма ташкилотлари мавжуд. Улар истаган маҳаллий ҳокимият органлари, истаган хўжалик субъекти билан ижтимоий шерикчилик муносабатларини ўрнатишлари мумкин.

Учинчидан, касаба уюшмалари бошқа жамоа бирлашмалари, сиёсий партиялар, ёшлар, фахрийлар ташкилотлари ва ҳакозолардан фарқли ўлароқ амалдаги қонунларга мувофиқ бевосита меҳнат жамоаларида тузилади ҳамда фаолият юритади ва ҳар бир касаба

3

уюшма аъзоси билан бевосита унинг иш жойида мулоқотда бўлиш имконига эга.

Буларнинг ҳаммаси касаба уюшма ташкилотларининг пастдан юқоригача барча ҳокимият органлари, тармоқ бошқаруви органлари билан умуммиллий манфаатлар асосидаги ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам Федерация кенгаши, унинг аъзо ташкилотлари фақат корхоналар ва тармоқлар маъмурияти билан тузилган жамоа шартномалари ва тармоқ битимлари орқалигина эмас, балки маҳаллий, минтақавий ва умуммиллий миқёсларда шартнома ва келишувлар орқали ҳам ўзаро алоқаларни йўлга қўйиб келмоқдалар. Бироқ, ҳали ҳар бир касаба уюшма органида тегишли бошқарув- маъмурий органлар билан манфаатлар мувозанатини, яъни ҳар икки томон учун баравар мақбул нуқтани топиш асосида ишлаш йўлида дастлабки қадамлар қўйилаётганини тан олмоқ зарур. Шартномалар, битим ва келишувларни ҳаракатга келтирувчи, уларда баён этилган қоидалар ва талаблар бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатувчи механизм ҳозиргача вужудга келтирилган эмас.

Учинчи ижтимоий шерик - иш берувчилар уюшмаси ҳали тўлиқ шаклланиб, ҳаётда ўз ўрнини эгаллаганича йўқ.

Янги шароитлар янгича ёндошувлар ва янгича фаолият мезонларини талаб қилади. Бинобарин, касаба уюшма ҳаракати ҳам мазмунан, ҳам шаклан кўп йўналишли иқтисодиётни, энг аввало - меҳнат бозорини бошқарувчи субъектлар билан ижтимоий шерикчилик муносабатларига ўтиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бу жараённинг ўзига хос муҳим хусусияти шундан иборатки, касаба уюшма қўмиталари бир томондан ижтимоий ҳимоя бўйича меҳнаткашлар ишончини оқлашлари лозим бўлса, иккинчи томондан бозор талаблари ва рақобатбардошликка йўналтирилган ишлаб чиқаришнинг ўз меъёрида фаолият юритишига эришишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шундайки, касаба уюшмаларининг айнан тадбиркорлар каби ман-

4

фаатлар мувозанатини топишга ўрганишлари давр талабидир. Узоқни кўра билувчи раҳбар меҳнат жараёнида ўзига тенг шерикни тан олади. Ўз навбатида касаба қўмитаси ҳам мустаҳкам ва ишончли шерик фаолиятидан манфаатдордир. Урушлар, ижтимоий нотекисликлар ва можаролардан чарчаган инсонларнинг жаҳон тажрибаси ҳам меҳнат муаммоларини ҳал этишнинг ягона усулини, яъни бозорнинг уч субъекти - ҳукумат, тадбиркорлар ва касаба уюшмаларининг баравар ва тенг ҳуқуқли асосда фаолият юритиш тажрибасини олға сурмоқда.

Шу муносабат билан яна бир муаммони таъкидлаш жоиз: афсуски ҳозир иқтисодиётнинг нодавлат сектори хўжалик субъектларининг 80 фоиздан кўпроғини ва халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг учдан икки қисмини ташкил этгани ҳолда жамоа шартномалари ва битимларни тузишда ҳанузгача асосий эътибор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатларга асосланмоқда. Бу эса, тадбиркорлик тузилмаларида меҳнат қилаётган ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашнинг ўз ҳолича қолиб кетишига олиб келяпти. Айниқса, кичик ва ўрта кичик хусусий тадбиркорлик корхоналари, хусусан савдо ва маиший хизмат соҳаларида иш берувчи билан ёлланма ишчи ўртасида меҳнат шартномаларини расмийлаштириш қониқарли эмас.Бу жойларда кўп ҳолатда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳам тузилмаган.

Хорижий мамлакатлар сармоядорлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган қўшма корхоналарда меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси масаласига алоҳида тўхталиш керак. Афсуски, уларнинг кўпчилигида касаба уюшма ташкилотлари йўқ, уларни тузиш учун ҳаракат ҳам сезилмайди. Қўшма корхоналардаги бизнинг меҳнатчиларимиз эса, атрофдаги корхоналарга нисбатан яхшироқ шароитлар ва баландроқ иш ҳақига қизиқиб, касаба уюшма ташкилоти аҳамиятини «унутиб» қўйишяпти. Бундай муассасаларда ҳам касаба уюшмалар тузилиб, меҳнаткашларнинг корхона фаолиятидан манфаатдорлик томонларини онгли равишда тушуниб етишларига, меҳнат ходими ва бошқа эҳтиёжларини даромад доирасидан келиб чиқиб тўғри белгилашига эришишга хизмат қилиши лозим бўлади. Ахир демократик тамойилларнинг барча йўналишларини ўз ичида мукаммал қуршаб олган ҳуқуқий қонун-

5

лкдорлар синфи шаклланаётган фуқаролик жамиятининг таянчи ҳисобланади. Бу ўринда касаба уюшма фаолиятининг яна бир қирраси - янгича иш турларини меҳнаткашлар ўртасида ташвиқот қилиш масъулияти ҳам зарур бўлади.

Бозор иқтисоди муносабатлари тобора ҳаётимизга чуқур кириб бораётган ҳозирги шароитда акционерлик жамиятларида меҳнаткашлар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг пировард натижаларидан адолатли улуш олишларини таъминлаш, яъни меҳнатга ва топилган маблағга мутаносиб равишда «даромадларни тақсимлаш» қоидалари белгиланишига эришиш, истеъмол билан жамғарув ўртасида маблағларни оқилона бўлишишни ўрганиш касаба уюшма қўмиталарининг муҳим бурчлари эканлигини ҳам таъкидлаш керак. Бу соҳада ҳам акцияларни тақсимлашдан тортиб, дивидендларни белгилаш ва уларни тақсимлашгача бўлган жараёнларда камчилик ва нуқсонлар кўп. Касаба қўмиталари акциядорлар жамиятлари бошқаруви раҳбарлари фаолиятини кузатувчи комиссияларни шакллантириш ва улар фаолиятини таъсирчан йўлга қўйишда ҳам ҳали кўп ишлашлари керак.

Баъзи корхоналарнинг зарар кўриб ишлаши оқибатида синиши бозор иқтисодиёти қонуниятларига хос ҳодисадир. Бундай корхоналарда фаолият юритаётган касабакўмлардан айниқса, хушёрлик ва қатъийлик талаб этилади. Маълумотларга кўра, 500 дан кўп корхона ўтган йилни зарар билан якунлаган. Улардан 100 дан ортиғи қишлоқ хўжалигида давлат санацияси рўйхатига киритилган. Бундай корхоналарда ҳар бир меҳнат кишисини ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг, яъни мураккаб шароитда бирор-бир ходимга нисбатан адолатсизликка йўл қўймаслик касабақўм етакчиларидан қатъиятлилик, ҳуқуқий билимдонлик ва ташкилотчиликни талаб қилади. Шунингдек, бу каби ҳоллар туфайли ишсиз қолганларни янги даврга хос янги касбга йўналтириш ҳам зарур бўлади.

Юқоридаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳуқуқий-демократик давлат пойдеворини барпо этиш жараёнининг бугунги босқичида юртбошимиз бел-

6 7 8

гилаб берган учта устивор йўналиш, яъни кадрлар тайёрлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қишлоқ хўжалик корхоналарига ёрдам бериш дастурларини бажариш борасида ҳам касаба уюшмалари ўз ҳиссасини қўшиш йўлларини изламоқлари лозим.

Шунинг билан бирга касаба уюшма ташкилотларининг тарбиявий, маърифий вазифаларига тўхталиб ўтиш ҳам муҳим деб ўйлаймиз.

Ҳаммамизга маълумки, мамлакат аҳолисининг маънавий юксалиши ҳаёт тақозосидир. Шундай экан, маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланиш алоҳида бир ташкилот ёки маълум касб доирасидаги шахслар иши бўлибгина қолмай, балки жамиятимизнинг ҳар бир аъзосининг ишидир. Бу ўринда касаба уюшмаларининг роли айниқса аҳамиятлидир. Касаба уюшма тасарруфидаги 450 га яқин маданият саройлари ва уйлари, 400дан зиёд кутубхона, мингдан ортиқ тўгараклар, 800 дан зиёд спорт иншоотлари, 7 мингдан ортиқ спорт майдонлари, 1500 дан зиёд болалар соғломлаштириш масканларидан шу мақсадда унумли фойдаланиш зарур бўлади. Улар олдида оддий, яъни барча ҳодисаларга бефарқ инсонни эмас, балки ҳар бир ўзгаришларга онгли муносабат билан жиддий кириша оладиган ёш кучларни тарбиялашдек масъулият турибди.

Юқорида кўтарилган масалалар касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Y мажлиси белгилаб берган долзарб вазифаларнинг кўлами кенг ва ниҳоятда масъулиятли эканидан далолат беради. Уларни изчил ҳаётга тадбиқ этиш ҳар бир касаба уюшма ташкилотидан, пастдан юқоригача, ҳудудий ва тармоқ қўмиталари ва умуман Федерация таркибига кирувчи барча касаба уюшма тузилмалари раҳбарлари ва фаолларидан катта маҳорат, фидойилик, куч-ғайрат сарфлашни тақозо этади.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида рўй бераётган салоҳиятли ижобий ўзгаришларда кўп миллионли касаба уюшма ташкилотининг ўзига хос ва муносиб ҳиссаси бўлишига эришиш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг жонажон ишимиз, муҳим бурчимиздир.

ОРОМГОҲЛАР ОҒУШИДА

Пойтахтимиздаги мавжуд ўндан ортиқ маданият ва истироҳат боғларида турли кўнгилочар тадбирлар ўтказилмоқда. Мазкур «Оила йили»даги тадбирларнинг оилага бағишланиши бежиз эмас. Жумладан, Чилонзор туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Оила тинчлиги-юрт бойлиги» мулоқот кечаси ўтказилди. «Оилам — бахтим» фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш Республика «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида, намунали оилалар иштирокидаги бу тадбир оилавий байрамга айланади.

«Оила ва ҳуқуқий тарбия» Чилонзор тумани ҳуқуқ тарғибот ходимлари билан учрашув «Оила тарбиясида оиланинг тутган ўрни» давра суҳбати «Камолот» ёшлар жамғармаси ҳамкорлигида, шунингдек оилага бағишланган адабий мусиқий кечалар ҳам бир қатор ташкилот, корхоналар билан биргаликда ўтади.

Бу йилги мавсумда шунингдек, «Юлдузингни излаб топ», «Дунёда минг ҳунар бор, шулардан бири сеники» деган байрамлар ҳам ўтказилади. Буларда тумандаги ўқув юртларининг талабалари, мураббий-устозлар, ўқитувчилар ва бошқа қизиқарли касб эгалари иштирок этадилар.

Алоҳида корхоналарнинг жамоа бўлиб дам олишларини ташкил этиш яхши анъанага айланиб бормоқда. Республика байналминал маданият маркази билан «Дўстлик» кечалари ўтказилиб, унда пойтахтимиздаги мавжуд кўпгина миллатлар маданият марказлари қатнашадилар. Кўплаб оммавий халқ сайиллари ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Боғдаги мавжуд 15 дан зиёд аттракционлар таъмирлаб қўйилди. 4 та ёзги яшил саҳналар яхши жиҳозланиб, тадбирлар ўтказилишга тайёр. Мавсумда республикамиздаги таниқли санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоаларини, дорбозлар, қизиқчи-аскиячилар дам олувчиларга намунали хизмат кўрсатишади.

Бир сўз билан айтганда, янги ёзги мавсумда ҳам ўтган йиллардагидек боғ пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг чинакам оромгоҳига айланиб қолади. Уларга чинакам маданий хизмат кўрсатадилар. Чаманзорлар, гулзорлар, соя салқин жойлар, катта кўл ва бошқа маданий-маърифий муассасалар дам олувчилар учун очиқ.

Рустам ХЎЖАЕВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

АҚШда амалий сафарда бўлган Туркманистон Президенти С.Ниёзов мамлакат раҳбарлари билан учрашиб музокаралар олиб борган. АҚШ вице-Президенти А.Горр билан учрашувда у туркман газини Россия ҳудудини четлаб ўтувчи Озарбайжон, Грузия, Туркия орқали Европага юбориш ҳақидаги келишувни имзолаган.

***

С.Ниёзовнинг Американинг юқори лавозимли раҳбарлари билан бўлган учрашувида бошқа масалалар қатори Туркманистонда инсон ҳуқуқларига қай даражада риоя қилинаётганлиги масаласи ҳам ўртага қўйилган. Туркманбоши республикада мухолифат йўқлигини айтган.

***

Россия чегарачилари тожик-афғон чегарасида огоҳлантирилганлигига қарамай чегарани бузиб ўтишга ҳаракат қилган беш кишини отиб ўлдирганлар. Текширилганда уларнинг ёнидан турли хил қурол-яроғ ва 50 килограмм гиёҳванд моддалар топилган.

***

Тожикистондаги мухолифат раҳбари, республика миллий яраш комиссиясининг раиси Саид Абдулло Нурий Президент И.Раҳмоновга раҳбарлик лавозимига мухолифат томонидан яна сакқиз кишини номзодини берган. Ҳозирча мухолифатнинг олти аъзоси раҳбарлик ўринларига тайинланганлар. Улар ичида Х.Тўражонзода, Давлат Усмон ва бошқалар бор.

***

Тожикистоннинг Ленинобод вилоятининг марказига ўрнатилган В.И.Ленин ҳайкали пойига уни туғилган куни муносабати билан гуллар қўйилди. Бу ердаги коммунистлар шу кунга бағишлаб митинг ўтказдилар. Уларнинг раҳбари Мавлон Исмоилов Ленинни буюк шахс деб таърифлаб, Ленинобод унинг номи билан сақланиб қолишини айтди. Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаева эса, Ленин улуғ одам бўлса ҳам унинг ғояси билан ҳозир яшаб бўлмаслигини таъкидлади.

***

Тожикистон Олий суди Президент И.Раҳмоновга суиқасд қилишда қатнашган Абдулҳафиз Абдуллажонов ва яна беш кишини олий жазога ҳукм қилган эди. Уларнинг ҳимоячилари Президентдан бу ҳукмни алмаштиришни сўраган эдилар. Аммо Президент суд ҳукмини ўз жойида қолдирган.

***

Австралиялик иқтисодчи олим Ричард Олбридт Англияда чиқадиган ойномада эълон қилган мақоласида мустақилликни яқинда қўлга киритган Марказий Осиё давлатларида бозор иқтисодига ўтиш турлича моделлар билан амалга оширилаётганлигини , иқтисодий ўсиш суръатлари ва ижтимоий турмуш ҳам турли даражада эканлигини, чунончи Қирғизистонда пулнинг қадрсизланиши икки мартага, Ўзбекистонда эллик фоизга камайганлигини таъкидлайди. Шунингдек, олим шу мақоласида Туркманистон берган гази учун ҳақини ололмаётганини, ўз пахтасини хорижий мамлакатларга сотаётган Ўзбекистон учун бундай қийинчиликлар йўқлигини, кўп йиллик уруша барҳам берилган Тожикистонда бозор иқтисодига ўтишга киришилаётганлигини кўрсатади.

«ОИЛА» КОДЕКСИ—ОИЛА ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кодекси баъзи жиҳатларига кўра ҳаёт тарзи талабларига тўлиқ жавоб бера олмай қолди. Чунончи, ўзбек оиласининг ўзига хослиги халқаро оилавий ҳуқуқ нормалари учун ҳам намуна бўлишини ҳисобга олсак, албатта Кодексдаги кўпгина моддаларни ўзгартириш билан бирга, тўлдириб, такомиллаштириб бориш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам қабул қилинажак Кодекснинг «Оила» деб аталишининг ўзиёқ, унинг яхлит, айни пайтда умумлашган ҳолда эканлиги менга маъқул бўлди. Кодекснинг «Умумий қоидалар» бўлимида жамиятнинг илк ячейкаси ҳисобланмиш оила ва унинг муносабатлари тўғрисида кенг маълумотлар берилиб, ҳуқуқий демократик давлатда икки шахснинг эркин ва тенг ҳуқуқ асосда оила қуриши таъкидланади. Кодексдаги «оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг маъсуллиги ҳисси асосида қуришдан... оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир», деб қайд қилиниши бугуннинг, ҳуқуқий демократик давлат талабидан келиб чиқади. Мустақил Ўзбекистонда оилавий муносабатларнинг бошқарилиши айни муддао. Ва икки шахснинг эркин ва бир-бирини севиб турмуш қуриши, шахсий тенг ҳуқуқлигиги, нарса-буюмларга дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланади. Иккинчи моддада, «...ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши» ва 4-моддадаги «Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир» каби фикр-мулоҳазалар Кодексда биринчи марта таъкидланади.

«Оила» Кодексининг бошқа бўлимларида жаҳон цивилизацияси талабларига жавоб берадиган айни дамда ўзбекона оила ва унинг муносабатлари тўлиқ ифода қилинган. Буни мен никоҳга кириш ва уни бекор қилиш тартиби ва вазиятида, шахсий буюмлар ва у ҳақдаги оила аъзолари -эр-хотин, ота-оналар, болалар ҳамда бошқа унга тааллуқли фуқаролар ўртасидаги муносабатлар, фуқаролик ҳолатини қайд қилиш, умуман оила-никоҳ жараёнида вужудга келадиган муносабат-муаммолар ҳар томонлама қамраб олинганида кўраман.

Маҳаллий урф-одатлар қонунга қарши бўлмаган ҳолда саккизинчи махсус моддада қайд қилинганидек амалга оширилади. Бунда диний маросимлар ҳисобга олиниши назарда тутилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига путур етказилмайди.

Янги Кодексда никоҳга кирувчиларнинг соғ-саломатлиги, мижози ҳам ҳисобга олинган. Бу ҳақда тиббий кўрикдан ўтиш ва маслаҳат олиш лозимлиги 17-моддада биринчи марта эътироф этилган. Бу нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон мезонида янгилик ҳисобланади. Дарвоқе, бобокалонимиз Амир Темур ўз ўғиллари ва набираларига келин танлаганида, унинг етти пуштини суриштирган, тан соғлиғига алоҳида эътибор берган. Соҳибқироннинг яна бир насиҳати бу ўринда жуда жўяли деб ўйлайман. Ҳазрат ёзадилар: «ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб хотинларига яқинлашишни маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабнинг бузилишига таъсир этгай, деб покиза йўлни тутдим...»

Жамиятимизда фуқаролар онгини бозор иқтисодиёти эгаллаб бормоқда. Бу-бойлик, шахсий ва хусусий мулкларни кўпайтириш ҳамда уларга эгаликни мустаҳкамлаш зарурлиятини юзага келтиради. Демак, икки бир-бирининг дили ва тили қўшиладиган шахсларнинг никоҳдан ўтишига қадар ва ундан кейин ҳам шахсий мулклари бўлиши сифатида умумий тарзда ишлатишлари шарт. Бу айни муддао. Аввало, худо кўрсатмасин, оралариға шайтон оралаб ажраб кетсалар, унда мулкка эгалик қандай бўлади? Илгариги Кодексда бундай вазият кўп ҳолларда носоғлом, кўнгилсиз ва жанжалли ҳодисаларни туғдирар эди. Янги «Оила» Кодексида бунга 5 ва 6-боблар ажратилиб, турмушнинг бундай иззатталаб ва муҳим томонлари бугунги ислоҳотлар даври нуқтаи-назаридан ҳал қилиниши назарда тутилган. Чунончи, илк марта «Никоҳ шартномаси» деган тушунча Кодексда қайд қилинган бўлиб, бу жараён никоҳдан ўтганга қадар ва никоҳ пайтида амалга ошириш мумкинлиги ёзма равишда ёки нотариал идораси қайдномасидан ўтиш (29- ва 30-моддалар) орқали мустаҳкамланади. Шартномада оила аъзоси бўлмиш эр-хотин ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларининг тенглиги, оила харажатларини баб-баравар бажаришлари, киримчиқимларини тенг бўлиб олишлари, тадбиркорлик фаолиятини ҳамкорликда ёки алоҳида бажаришлари, бордию никоҳ бекор қилинса эр-хотин мол-мулки алоҳида эканлиги кабилар жаҳон мезони талаблари (АҚШ, Англия, Италия, Япония) асосида бўлиб, Ватанимизда қўлланилиши назарда тутилган.

23.05 Владимир Гостюхин, Леонид Куравлёв ва Юрий Яковлев «Чапақай» комедиясида.

НТВ

9.00 Тонгги сеанс. Леонид Утёсов ва Любовь Орлова Григорий Александровнинг «Қувноқ болалар» мусиқий комедиясида.
10.30 Мультсериал.
11.00 Парад-алле. «Дунёнинг энг яхши цирклари».
12.00 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Зена — жангчилар қироличаси». 18-серия.
12.50 Мультвоқеалар.
13.00, 17.00 — «Бугун кундузи».
13.20 Бизнинг кино. Евгений Киндинов ва Елена Коренева Андрей Михалков — Кончаловскийнинг «Севишганлар ҳақида романс» фильмида.
15.35 Юрий Мамин. «Горько!» кинокомедияси. Премьера арафасида.
15.50 Бизнинг кино. Евгений Евстигнеев «Хуш келибсиз ёки бегоналар кириши мумкин эмас» комедиясида.
17.20 «Поезд Живанши станциясигача боради». Фильм-репортаж.
18.25 Юбилей. «Ленфильм» — 80 ёшда». Татьяна Догилева ва Андрей Миронов Владимир Бортконинг «Муюлишдаги малласоч аёл» фильмида.
20.00, 23.00 — «Бугун оқшомда».
20.35 Кино олами. Ален Делон ва Вирна Лизи «Қора лола» саргузашт фильмида (Франция — Италия — Испания).
22.35 «Қўғирчоқлар». Байрам сони.
23.35 «Оскар» мукофоти. Клинт Иствуд, Джин Хэкман ва Ричард Харрис «Таклиф этилмаган» фильмида (АҚШ).
01.45 Николай Фоменконинг «Эҳтирослар салтанати» шоуси.
02.25 — 03.20 — Катталар учун тунги эртак. «Шаҳризода». 1-серия (Франция).

ҚозТВ

5.30—7.00 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
* * *
15.50 «Хит-парад».
16.00 «Ватанимиз товар ишлаб чиқарувчилари», «Алмати чойи» ишлаб чиқариш бирлашмаси.
16.20 «Каре сарам». Корейс таҳририятининг кўрсатуви.
16.50 «Омонат».
16.55 «Ютуқ» салони.
17.00 «Леа Саммерс». Телесериал.
18.00 «Бола тилидан».
18.35 «Юртдошлар».
19.00 «Немис бронкси». Детектив (Германия).
20.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
20.40 «Прессинг». Спорт янгиликлари.
20.50 «Хўжа Аҳмад Яссавий». Ҳужжатли фильм.
21.00 «Мусиқий саёҳат».
22.00 «Ютуқ» салони.

ШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳрух» клуби.
9.20 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
10.30 «Зиёрат».
10.40 «Олимп сари». Спорт дастури.
10.55 Теран томирлар.
11.25 «Ер васфи». Мусиқий дастур.
11.55 «Мушоҳада бахси».
12.20 «Катта танаффус». Телеўйин.
12.50 «Менинг маҳаллам».
13.10 — 15.30 Кундузги сеанс. «Меҳрибонгинам». Бадиий фильм 1—2-сериялар. (Ҳиндистон).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болаларга бахшида умр». Ш. Ерматов.
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
22.30 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.55 Ҳазил.
23.05 «Имкон чўққилари».
23.15 Диққат, премьера. «Мерос». Бадиий фильм. 1-серия.
24.00 Футбол Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Нефтчи» (Фарғона).
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 А. Абдураззоков. «Бойкенжаев ва бошқалар». Видеофильм.
9.25 Шарқ эстрадаси.
9.35 «Келин-куёв». Телешоу.
10.25 «Мухлисгача... ва ундан сўнг».
10.40 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.20 «Фидойилар». А. Тарковский.
11.40 Спорт қитъаси.
12.10 Болалар экрани.
13.40 «Онагинам».
14.00 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.50 «Сир».
15.10 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.00 Дилнавоз садолар.
16.10 Хонадонингизга осойишталик тилаймиз.
16.40 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.25 «Тақдим».
17.40 «Ерилтош». Мульттўплам.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «ММ» шоуси.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дилбарим».
20.10 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ.
00.15 — 00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
*
Россия жамоат телевидениеси 17.35 — 22.25
22.25 Эълонлар.
22.30 «13 полиция маҳкамасига ҳужум». Бадиий фильм.
23.55—00.05 «Ҳайкалтарош». Телефильм.

IV

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Шанба эртаги».
11.35 — 12.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз! («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.50 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ассалом, Франция!».
21.10 «Осиё монитори».
21.30 Хит-коллекция.
21.55 Киносалон.
23.35 «Бу ажиб дунё».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

30-канал

9.05, 13.40, 18.00, 19.50, 21.10 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 Ҳужжатли кино.
11.00 «Шанба киносеанси».
12.45 «Ўз ҳисобидан таътил». Мелодрама. 1-серия.
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал (АҚШ).
15.00 «Кўхна эртаклар».
16.30 «Мусқаймоқ». Мусиқий дастур.
17.00 «Симпсонлар». Мультсериал (АҚШ).
17.30 «Моделлар академияси». Сериал.
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал (АҚШ).
19.00 «Махфий ҳужжатлар». Сериал (АҚШ).
20.10 «Альфред Хичкок таништиради». Телесериал (АҚШ).
20.40 «Жиллетт» тақдим этади: «Футбол-98» бўйича чемпионат.
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Ғаройиб воқеалар». Телесериал (АҚШ).
22.10 «Икковлон». Телесериал (АҚШ).
23.05 «Юлдузлар ёғилганда». Мусиқий дастур.
23.30 «Видеомода».
24.00 «Ҳали намойиш этилмаган премьера».
01.35 «Метеохабар».

РЖТ

7.00 «Буратинонинг саргузаштлари». 1-серия.
8.10 Мультфильмлар.
8.45 «Руҳоний сўзи». Митрополит Кирилл.
9.00, 14.00 — Янгиликлар.
9.15 Андрей Миронов «Республика мулки» фильмида. 2-серия.
10.30 «Смак».
10.55 Африка Сафари «Ҳур туғилган» фильмида.
12.30 «Армия дўкони».
13.05 «Телба дунё».
14.20 «Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари».
15.40 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
15.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Германия — Беларусь терма жамоалари. 2 ва 3-даврлар. Швейцариядан кўрсатилади. Танаффус пайтида (16.35) — Янгиликлар.
17.35 Мультфильм.
17.55 Евгений Матвеев ва Галина Польских «Русчасига севиш» халқ романида. 2-фильм.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Телеэкранда биринчи марта. Афсонавий «Очиқ қум конининг генераллари».
22.25 Футбол. Россия чемпионати. «Спартак» — «Уралан» (Элиста).
00.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Россия — Қозоғистон терма жамоалари. Швейцариядан кўрсатилади. 3-давр.

РДТ

6.00 «Ранг-баранг тушлар». Болалар учун фильм.
7.05 «Чол ибн Ҳаттоб». Болалар учун фильм.
8.30 «Кузяга қўнғироқ қилинг». Болалар интерактив ўйини.
8.55 «Уз вақтида».
9.25 «Хайрли тонг, юртим!».
10.10 «РДТ почтаси».
10.40 «Ҳамманинг оғзида». Наталья Дарьялова дастури.
11.10 «Афсунгар. Буюк Аждаҳо ватани». Телесериал.
12.05 Урмас Отт Нонна Мордюкова билан.
13.00, 19.00 — «Вести».
13.35 Маҳмуд Эсамбоев «Юлдузлар майдонида».
14.55, 23.25 — Спорт гимнастикаси. Европа чемпионати. Аёллар. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.
16.00 «Маски-шоу».
16.50 «Менинг оилам».
17.55 «Аншлаг ва Ко».
19.30 Аркадий Инин юбилейига. Наталья Гундарева, Александр Михайлов, Виктор Павлов ва Фрунзе Мкртчян Аркадий Инин сценарийси бўйича экранлаштирилган «Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар» фильм-комедиясида.
21.05 Патрисия Каас Кремлда.
22.10 Лариса Удовиченко ва Станислав Садальский «Худони бергани» кинокомедиясида.

НТВ

9.00 Тонгги сеанс. Любовь Орлова ва Евгений Самойлов Григорий Александровнинг «Ойдин йўл» мусиқий комедиясида.
10.35 Мультсериал.
11.00 «Бугун эрталаб».
11.10 Криминал. «Чин дилдан иқрор бўлиш».
11.30 «Мени тушун» телеўйини.
12.00 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Зена — жангчилар қироличаси». 19-серия.
12.45 «Винт»дан бошлаб...»
13.00 «Олтин граммофон». НТВ ва «Русское радио»нинг биргаликдаги мусиқий кўрсатуви.
13.15 Бизнинг кино. Олег Янковский, Инна Чурикова, Елена Коренева ва Леонид Броневой Марк Захаровнинг «Худди ўша Мюнхаузен» фильмида. 1- ва 2-сериялар.
15.35 Мультфильм.
16.00 «Тўй».
16.30 «Уз уйини».
17.00 «Бугун кундузи».
17.15 «Суд келяпти».
18.05 Дам олиш куни сериали. «Детектив Нэш Бриджес». «Найзани кувиб...» (АҚШ).
19.00 «Мен ва итим» дог-шоуси.
19.30 «Шу куннинг қаҳрамони галстуксиз».
20.00, 23.00 — «Бугун оқшомда».
20.30 «Якунлар» Виктор Шендерович билан.
20.55 Кино олами. «Полициячилар академияси» комедияси. 3-фильм.
22.45 «Қўғирчоқлар».
23.35 «Намедни-81».
00.25 «Даҳшат исканжасида» мистик детективи. 3-серия.
01.15 «Уша ҳақда». Ток-шоу.
01.55 «Футбол клуби» Россия чемпионатини таништиради. 6-тур.
02.25 — 03.20 Катталар учун тунги эртак. «Шаҳризода». 2-серия.

ҚозТВ

8.00 «Ҳақиқат».
8.30 «Сиҳат-саломатлик».
8.50 «Фудзияма». Спорт машқлари.
9.10 Мультсериал.
9.35 «Еркем-ай».
10.00 «Экспресс — FOOD».
10.25 ДАН 16.05 ГАЧА ЛИНИЯДА ПРОФИЛАКТИКА.
16.05 «Темирқозиқ». Тарихий тележурнал.
16.35 «Сифат».
17.00 «Графиня де Монсоро». Бадиий фильм. 7-серия.
18.00 «Спорт+» телеканали намойиш этади.
19.00 «Бойтумор».
19.30 Ахборот дам олиш телевикторинаси.
20.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
20.40 «Бизнес-дастур».
21.00 «Бўри уяси». Бадиий фильм. 2-серия.

ЯКШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Демократия тамойиллари».
11.20 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.55 «Ҳиммат».
«Ёшлар» телеканали
12.20 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
12.40 «Эстрада ва ёшлар».
13.00 «Оқибат».
13.25 «Табассум кўчаларида».
14.15 «Санъат олами».
14.35 «Туркий қавмлар». Дўрмон.
14.50 — 15.50 «Ҳамма кўриши шарт...эмас».
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Трактор» (Тошкент). Танаффус пайтида — «Мультолам».
18.50 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.
Спорт дастури:
22.20 1. Спорт, спорт, спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.
«Аср мўъжизаси», кинодастури:
23.20 Кино янгиликлари.
23.35 Ўзбек киноси ижодкорлари.
23.55 «Махфий дипломатия». Бадиий фильм. 5-серия.
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
8.25 Эмин Усмонов. «Қўриқхонада». Видеофильм.
9.40 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
9.50 Саргузашт фильмлар экрани.
10.35 «Дилбарим».
10.50 «Таурас куч тўпламоқ». Телесериал.
11.30 «Дойче Велле» тақдим этади...
11.50 Болалар экрани.
«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ:
13.20 Кўрсатувлар дастури.
13.25 Жаҳон халқлари эстрадаси.
13.45 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.35 Интер-футбол.
15.15 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.05 «Сиз ёқтирган қўшиқлар».
16.20 «Бари ҳазил».
16.30 Мультипанорама.
17.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.40 «Қалб тароналари».
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Буш ўтирма».
18.35 «Турфа олам».
19.00 «Нафосат».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.55, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Изҳор».
20.20 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 Миллионлар ўйини.
22.15 «Даракчи».
22.25 «Жараён».
22.45 Якшанба кинозали.
00.25 — 00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.15 — 23.40
*
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.40 Клип-антракт.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.50 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.45 Клип-антракт.
19.55 «Бугунги кун мавзуси».
20.10 «Хайрли оқшом».
20.40 «Мусиқий Олимп».
21.00 Иштирок этувчилар.
21.20 Жаҳон киноси янгиликлари.
21.55 Киносалон.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

30-канал

9.05, 13.40, 18.00, 19.50, 21.10 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 Ҳужжатли кино.
11.00 «Болалар киносеанси».
12.45 «Уз ҳисобидан таътил». Мелодрама. 2-серия.
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал.
15.00 «Якшанба киносеанси».
17.00 «МИХ».
17.30 «Моделлар академияси». Сериал.
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
20.10 «Альфред Хичкок таништиради». Телесериал.
20.40 «Висол». Мусиқий дастур.
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Кордье». Детектив сериал (АҚШ).
23.05 «XL-music». Мусиқий дастур.
23.30 Спорт дастури.
24.00 «Фестиваллар фестивали».
01.35 «Метеохабар».

РЖТ

7.00 «Буратинонинг саргузаштлари». 2-серия.
8.10 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
8.20 «Лотто-Миллион».
8.25 «Спортлото».
8.30, 15.30, 15.55 — «Дисней-клуб».
9.00, 14.00, 23.40 — Янгиликлар.
9.10 Дм. Криловнинг «Йўлда эзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Тонг юлдузи».
11.05 «Бир нодир асар тарихи».
11.30 Саргузаштлар «Озод яшовчилар» фильмида давом этади.
13.00 «Шерлар хукмдори» фильмида озод қолганлар.
14.20 «Россия империясининг тожи».
16.15 Қадимий қўшиқлар.
18.15 Олтин серия. «Омадли жентльменлар». Комедия.
20.00 «Время».
20.50 «Киноафиша».
20.55 Телеэкранда биринчи марта. «Янги центурионлар».
22.55 «Кумушранг шар». Рина Зелёная. Кўрсатувни В. Вульф олиб боради.

РДТ

6.00 «Тонгги экспресс».
6.50 «Ватанимга хизмат қиламан!»
7.15 «Миллионерлар». Болалар учун фильм (Чехия).
8.25 «Маски-шоу».
8.55 «Уз-ўзига режиссёр».
9.25 «Хайрли тонг, юртим!».
10.15 «Афсунгар. Буюк Аждаҳо ватани». Телесериал.
11.10 Усмирлар учун дастур.
12.05 «Парламент соати».
13.00 «Вести».
13.20 «Китоблар олами» Леонид Куравлёв билан.
13.45 «Эҳтиёт бўлинг, модерн!».
14.15 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
15.10 «Ҳайвонлар ҳақида мулоқотлар».
16.05 «Мутлақо махфий».
17.00 «Рус лотоси».
17.40 «Эски квартира. 1971 йил». 1-қисм.
19.00 Урмас Отт Илья Глазунов билан.
20.00 «К-2» таништиради.
21.00 «Кўзгу».
22.00 Евгений Миронов ва Наталья Петрова Валерий Тодоровскийнинг «Севги» лирик драмасида.
23.55 «Русча жанг».

НТВ

9.00 Тонгги сеанс. Любовь Орлова, Сергей Столяров ва Павел Массальский Григорий Александровнинг «Цирк» мусиқий комедиясида.
10.30 Мультсериал.
11.00 «Бугун эрталаб».
11.10 «Полициячиларнинг оддий иш кунлари».
11.30 «Мени тушун» телеўйини.
12.00 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Зена — жангчилар қироличаси». 20-серия.
12.45 «Винт»дан бошлаб...»
13.00 Мультвоқеалар.
13.30 «Бола тилидан» телеўйини.
14.00 Кино олами. «Агентнинг тугатилиши» комедияси (Чехия).
15.35 Мультфильм.
16.00 «Рус асри». Виктор Астафьев Андрей Караулов билан суҳбатда.
16.30 «Криминал Россия. Замонавий хроникалар». Ҳужжатли сериал. 11-фильм — «Уч кишини даф қилиш керак».
17.00 «Бугун кундузи».
17.15 «Байяр форти калити» телеўйини (Франция).
19.00 «Якунлар». Муқаддима.
19.20 Кино олами. Милош Форманнинг «Регтайм» бадиий фильми (АҚШ).
22.00 «Якунлар».
23.00 Кино олами. Оливье Грюнер «Ёлланган» жангари фильмида (АҚШ).
01.00 «Якунлар». Тунги суҳбат.
01.30 «Якунлар». Спорт.
02.00 — 02.55 Катталар учун тунги эртак. «Шаҳризода». 3-серия.

ҚозТВ

7.05 «Уйғон ва куйла».
7.35 «Фудзияма». Спорт машқлари.
7.50 «Ҳарбий қасамёдга содиқ».
8.10 Мультфильм.
8.40 «Талисман» болалар видеостудияси «Сафари» янгиликлар дастурини таништиради.
9.10 Мультсериал.
9.35 «Еркем-ай».
10.00 «Экспресс-FOOD».
10.25 «Телекўргазма».
10.55 «Сизда ҳуқуқ бор...»
11.10 «Энг муҳим бойлик».
11.30 «Энши балапан».
12.00 «Сирлашайлик». Аёллар учун тележурнал.
13.00 «Ипак йўли». Телеэкспедиция.
13.30 «Замин соҳиби».
13.50 «Ютуқ» салони.
14.20 «Хотиралар архиви».
14.45 «Муҳаббат бўсаси». Дмитрий Маликов куйлайди.
15.40 «Ёшлар: муаммолар йўқми?»
16.15 Ерболат Олжабаев кўрсатуви.
16.35 «Сифат».
17.00 «Баймбобелло печеньеси». Бадиий фильм.
18.00 «Шахс». Жанна Ахметованинг муаллифлик кўрсатуви.
18.30 «Формула S». Ибраш Нусунбаев кўрсатуви.
18.50 «Мусиқий карвон».
19.00 «Фавор». Эркаклар учун тележурнал.
19.30 Қозоғистон Республикаси халқ артисти Роза Эширбекова бенефиси.
20.10 Бадиий фильм.

Сиз кутган учрашув

ОИЛА БИР ДАВЛАТКИ



Абдуҳолиқ Мамарасул билан бундан ўн бир йил илгари суҳбатлашиб ўлтириб ҳазил тариқасида одатий саволини бердим.

- Кимнинг асарларини севиб ўқийсиз?

- Ленин, Карл Маркс қарорларини, «Капитал»ни ўнгига ҳам ағдариб, тескарисига ҳам ағдариб ўқийман.

- Бўлмаса «Капитал»нинг йигирманчи бетини ўнг қаторидан ўқингчи.

- Эй, ғофил банда! Оилага меҳр қўй. Рўзғорни бутла, хотин билан жанжаллашма. Баҳслашганда «Икки қадам орқага, бир қадам олдинга» юр. Ревизионистларга қулоқ солма. Демогогларни сўзини эшитган қулоғингни қирқиб ташла.

- Хотин ҳақида нелар битган экан?

- Вой, бу кўп. Хотининг капиталистлардан узоқроқ юрсин. Иложи бўлса, ўзинг капиталист бўл.

- Хотинлар эксплуататорларни яхши кўрадими?

- Салбий маънода...

Ўша даврда жамият коммунизм қуриш учун бел боғлаган, муштини тугиб, жағини созлаган эди. Не ижобий фикрларни мияга тиқиштирар эдилар. Ҳозир эса ўша фикрлар салбийга айланди.

Аллоҳ насиб қилган экан, яна Абдуҳолиқ билан учрашиб суҳбатни давом эттирдик.

- Бу йил «оила йили». Суҳбатимиз санъат ҳақида эмас, балки оила ҳақида бўлади.

- Йўғ-эй, оила ҳам энг улуғ санъат, яъни асосий қаҳрамон Ота ролини ижро этиш учун катта юрак керак. Ҳар бир фарзанд бир давлатдирки, сиёсат талаб қилади. Ташвиқот ва тарғибот қилсанг, дўқ урсанг, ялинасан, насиҳат қиласан ва ҳатто маслаҳат ҳам оласан?

- Ўзлари бош ролни қандай ижро қиляптилар?

- Оила тинч, тотув, рўзғорда барокат. Ҳамма фарзандларимда сифат белгиси- диплом бор. Нолиган номард.

- Хотинингиз мактабда директор...

- Касби педагог, мансаби директор.

- Оиладами, мактабдами?

-«Айтилган гап, отилган ўқ» келинг ўқни бошқа ерда ишлатайлик.

- Қониқарсиз жавоб. Бошқа бир савол кўпчилик машинани кундошга ўхшатади. Сиз нима дейсиз?

- Баъзи хислатлари ўхшашроқ - вақтида машинани мойлаб туриш керак: бензин қуймаса юрмайди. Йўл қоидасини бузсанг, автоинспектор билиб, гоҳо аёлларини отга алмаштирар эканлар.

- Ўйлаб гапиряпсизми? Хотинимни машинага алмаштираманми?

- Битта эмас, бештага...

-... Ўйлаб кўриш керак.

- Одамни машинага алмаштираверасизми? Хотинимнинг қадри баланд- бебаҳо.

- Аниқроқ жавоб берсангиз.

- Мен машинам ичидаги хотинимни баҳоси йўқ, деяпман.

- Сир бўлмаса, отангиздан қанча мерос қолган?

- Чордеворли пастак уй-у, беҳисоб меҳр-муҳаббат билан оқибат ва иймон.

- Амаким ҳам санъаткор бўлганлар, шундайми?

- Ҳа, фронтовий қўшиқларни ижро қилар эдилар. «Темная ночь», «Катюша»ларни қиёмига етказганлар. У кишининг мухлислари кекса генерал қўшиқдан тўлқинланиб «Волга» машинасини ўз нархида олиб бермагунча тинчимади, азамат. «Волга» оилага кўп йил барака келтирди.

- Отадан қолган меросдан хурсандсиз, шундайми?

- Беҳад. Отамни бошидан уруш ўтган, бизга тинчлик мерос қолди, шукур.

- Рўзғорда эркаксизда. Сизга ҳавасим келади. Бозорда савдолашиб, тортишиб, арзонга оласиз. Мен эса бирни иккига оламан.

- Рўзғор тутиш ҳам санъат.

- Тажрибангиз билан ўртоқлашсангиз.

- Менимча, оила табиати хор. Унда талаби, топиш, овозларнинг ўз ўрни бор.

- Хислати қандай бўлиши керак.

- Пул олганда қўлингиз кенг, бағрингиз кенг бўлса, бераётганда эса тор бўлсин.

- Хотинингиз педагог, тергаш, насиҳат ўқиш керак, шундай эмасми?

- Мен ҳам педагогман, фақат кулдириб ўқитаман, хотинда битта мактаб, менда эса...

- Оилада ким ҳукмдор эр ёки хотинми?

- Оилада пул ҳукмдор.

- Меҳр-оқибат, муҳаббатчи?

- Оиланга, фарзандларинга меҳр берсанг, меҳр-муҳаббат қайтади. Пул эса ишлайди. Пул қиймат, муҳаббат қадр...

- «Ишонч» газетаси ўқувчиларига тилакларингиз...

- Кулгу, ҳазил ўчмас қадриятидур. Кулмоқ эса маънавий соғломлик, кулдириш эса доноликдир... Кулиб юринг.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

Фил суриб, от ўйнатиб

ШАХМАТ ВА МУСИҚА

Концертини тугатиши биланоқ халқ артисти Яков Флиерни шахмат ҳақидаги суҳбатга тортиш унчалик инсофдан бўлмагандир, балки, Шу куни рояль гроссмейстери жуда тобида экан. Севимли композиторлари Шумон билан Лист асарларини у ҳамиша маромига етказади. Бугун-ку, айниқса!... Одамлар билан лиқ тўлган Ленинград филармониясининг катта зали уни гулдурос қарсаклар билан олқишлади.

Ҳали ҳаяжони босилмаган бахтиёр ва чарчаган Флиер шу заҳотиёқ шахмат ҳақида интервью беришга бажонидил рози бўлди,- дейди у билан суҳбатлашган ленинградлик журналист Н.Борисов.- Ҳа, шахматдан гап очишга у доимо тайёр эканини билардим. Одоб қоидаларига кўра,- дея сўзини бошлайди Флиер,- мен таажжубга тушишим керак эди. Шахматга нима алоқам бор, мен иккинчи разряддан юқори кўтарила олмаган бир киши бўлсам, ахир?! Лекин шундай бўлса ҳам таажжубланиб турмайман, чунки мен салкам ярим асрдан бери ўзимни шахматнинг чинакам мухлиси деб биламан. Мен катта шахматчи бўлиш имкониятига эга эдим, чунки олти яшарлигимданоқ шахмат билан ошночилик қила бошлаганман. Роялни эса ундан ҳам илгарироқ - беш ёшимда ўрганганман. Бу- ҳазил, албатта. Лекин 1925 йили тайёрлов гуруҳидаги машғулотларга мунтазам равишда қатнамай қўйганим учун мени консерваториядан ҳайдаб юборишларига оз қолган. Ахир, ҳар куни эрталаб оёғим Страстая майдонига тортиб турганидан кейин мен нима қила олардим. Тез орада мен ўз кучимни синаб кўрмоқчи бўлдим ва унча қийналмай иккинчи тоифа олдим, юқорироқни мўлжаллаб турганимда Венага ҳаётимда биринчи марта пианиночиларнинг халқаро конкурсига жўнайдиган бўлиб қолдим. Бу конкурсда иштирок этиш, ҳар қалай, менинг даражамда шахмат турнирида ўйнашдан кўра қийинроқ бўлди. Чунки унда шахмат турниридагидек 14 та эмас, 16 та эмас, ҳатто 20 та ҳам эмас, балки 128 киши қатнашган эди. Ҳар ҳолда ўшанда биринчи ўринни олиш бахтига муяссар бўлгандим. Лекин ўша ерда, Венада ҳам мен фақат рояль чалганим йўқ. Конкурсга биз билан бирга жюри аъзоси, Москва консерваториясининг профессори С.Файнберг ҳам борган эди. Қаерда ва қачон қараманг, у мени қўлимда шахмат тахтаси борлигида учратиб қоларди.



(Давоми бор)

Мамажон МУҲИДДИНОВ

Дилхуши машқлар

Оқлар бошлаб, беш юришда қора шохни маҳв этади.

Ҳар тўғрида

Ҳиндистонда филлардан уй ҳайвонлари сифатида фойдаланишлари кўпчиликка аён. Бундай тўртоёқлилар ичида Махараштра штатидаги беш ёшли Жумбо исмли эркак фил алоҳида ажралиб туради.

Нега дейсизми? Маълум бўлишича, бу фил овқат пайти келгач хўжаси Жаҳонгир Пратнага юзланиб соф ҳинди тилида «Жумбо чарчади, унга овқат бериш керак», деб мурожаат қилар экан. Бундан ташқари ҳар ойда камида бир марта: «Ҳордиқ чиқариш керак-Жумбо ичмоқчи» дейди хўжайинига қараб. Шунда Пратна дарҳол дўкондан икки челак паевма арағини олиб келиб хизматкорини сийлайди. Шундан сўнг Жумбо челакларни бўшатгач, 2-3 соат дам олади.

Бир гал хўжайин филни бундай илтимосини атайлаб бажармади. Шунда Жумбони жаҳли чиқиб, ҳаммаёқни ағдартўнтар қилиб юборди. Мана бир йилдирки, зоологлар филни бу одатидан воз кечтиришни уддасидан чиқа олмаяптилар.

***

Америкалик Луис Делер циркда ҳамманинг кўз ўнгида йирик қурбақаларни ютади ва ҳеч нарса бўлмагандек яна бошқа номерларни кўрсата бошлайди. Маълум бўлишича, бу ишга киришишдан аввал у бир неча литр сувни ичиб, сўнгра ўнта бақани бирин-кетин юта бошлар экан. Орадан 20 минут ўтгач, бақаларни сув билан бирга соппа-соғ туширибди, уларни яна бочкага солиб қўяркан.

***

Қўшма Штатлари фуқароси бўлган бир аёлни кўзи ёришидан аввал дард тутиб қолади. Буни кўрган эри дарҳол полицияга хабар қилиб мотоциклчилар экскортини ҳам чақиради. Уни полицияга мурожаат қилишига сабаб, хотинини ўғирлаб кетишларидан кўрқанида эди. Миршаблар ва экскортчилар тезда етиб келади ва улар уйдан қўзғалишлари билан хонадон соҳиби ҳам ўзига қарашли «Линкольн»га ўтириб уларнинг ортидан жилди. Туғруқхонага етиб келгач, машинасидан тушиб унинг орқа эшигини очди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди... Хотини уйда қолиб кетипти!

***

Эронлик деҳқон Ҳасан Латифийнинг гулларга меҳри тушган. У Шоҳруддаги ўзининг шинамгина боғчасида бир неча йилдан бери ҳар турли гулларни парваришлаб келмоқда. Ҳаваскор боғбон ёққан гулларни пайванд қилишдан эринмайди. Бу борада уни олиб борган тажрибалари шу баҳорда ўзининг ажойиб самарасини кўрсатди. Латифий ўстирган бир туп гулда - гулларнинг 14 хили барқ урди. Турли хилдаги бу гуллар ранг-баранглиги билангина эмас, ўзларининг шакллари ва таратаётган ифорлари билан ҳам ишқибозларни ҳайратга солади.

Галати дунё

АВСТРАЛИЯ ТУЯЛАРИ

Австралияни фақат кенгурулар мамлакати десангиз адашасиз. Қачонлардир олиб келинган қуён ва қўйларгина эмас, балки бошқа ҳайвонлар ҳам бу юрт шарт-шароитларига мослашиб кетган.

Мамлакатнинг Булия шаҳрида туялар пойгасини тўрт мингдан зиёд киши томоша қилди. Мусобақани ўтказишдан кутилган мақсад - чет элларга сотиш учун энг яхши туяларни танлаб олиш эди. Ҳа, айтгандек, бу маҳлуқларни Саудия Арабистони харид қиляпти.

Бельгияда чоп этиладиган «Суар» газетасининг гувоҳлик беришича, туялар Австралияга 1860 йил саҳролар ажратиб турган шаҳарлар орасида юк ташиш учун келтирилган экан. Ҳозир мамлакат ҳудудида 200 мингга яқин туя бор. Улардан бир қанчаси ёввойилашиб кетган, одамлардан нарида - саҳроларда яшайди.

УЯЛАМАН

Ўғилни «ҳунарли», «суннат» қилмаган,
«Уйли-жойли қилиш» нима билмаган,
Уч амалдан бирин ҳам бажармаган
Оталар боридан, мен уяламан.

Гулдай ўғил-қизин уйига ташлаб,
Бегона аёллар қўлини ушлаб,
Фарзанд кўп дея кўкракка муштлаб
Юрган одамлардан мен уяламан.

Ота-она ундан яхшилик кутган,
Муродга етганда буткул унутган,
Қилмишидан бошлар эгилиб кетган
Фарзандлар ишидан мен уяламан.

Бошида ардоқлаб, гуллар тутқазган,
Сўнгида аёлин уйда ўтқазган,
Мушт кўтариб унга, ҳақорат этган
Боқиманда эркак-йўқ деб биламан.

Кунлар ўтар, умр ҳам орқага қайтмас,
Эй инсон, қадамни энди ўйлаб бос,
Меҳру оқибатни қилгин сен ҳавас,
Шу уйлар ичида тинмай ёнаман.

Карим МУХТОРОВ

Спорт

«ОЙ БОРИБ, ОМОН КЕЛИНГ!»

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида «Ой бориб, омон келинг!» сарлавҳаси остида Ўзбекистон касаба уюшмалари Альпинистлари ва қоя забткорлари клуби терма командаси дунёнинг энг юқори чўққиси Эверестни забт этиш ва мустақил Ўзбекистоннинг байрогини тикиш учун жўнаб кетганлари ҳақида хабар берган эдик.

Шуни қайд этиш керакки, жаҳоннинг энг кучли ҳисобланган альпинистларидан бармоқ билан санарли машҳур ва энг маҳоратли спортчиларгина уни эгаллаш шарафига муяссар бўлишган ва уларнинг номлари тарих саҳифаларига ёзилган.

Мана бугун халқаро мусобақаларда кўп марта шоҳсупадан ўрин олган касаба уюшмалари сардор спортчилари шундай оғир ва шарафли йўлдалар.

Ушанда махсус канал орқали маълумот олиб, «Ишонч» муштарийларига хабар бериб туришга ваъда берган эдик.

Жаҳонгашта альпинистларимиз аввал Дехлига учдилар. Сўнг Тибет ва Хитой йўллари билан Занғмуга етиб олдилар. Мўзликдаги Ронгбукда кўноқ қурдилар. 6100-6200 метр баландликни жамоа бўлиб эгалладилар. 7100 метр ҳам забт этилди. Оғир ва машаққатли тоғ қийинчиликларини енгиб 7600 метр ҳам ўзбекистонликларга бўйсунди. Энди яна ҳам оғир қоялар оша 8848 метр сари интилмоқдалар.

Альпинист ва қоя забткорларимизнинг кайфиятлари яхши, ўзбекистонлик юртдошлари, шу жумладан оила аъзолари, фарзандларига салом йўлладилар.

Б.ПЎЛАТОВ

ЭЪЛОН

«Нахда» масъулияти чекланган фирма тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

СЎҚМОҚЛАР ОША

Ҳаёт сўқмоқлари... Бу сўқмоқлар бешафқат зарбалари Муҳаббатхонни ҳам четлаб ўтмади. Лекин у машаққатлар олдида тиз чўкмади, тушкунликка тушмади. Сабр-қаноат ва мустаҳкам ирода билан уларни енгишга интилди.

Отадан барвақт етим қолган саккиз фарзандниг ғамандуҳлари ёлғиз аясининг бошига тушганлиги учун бир томондан кўнгли эзилди, иккинчи тарафдан турмушнинг бу синовлари хулқ-атворининг шаклланишига иродасининг тобланишига туртки бўлди.

Педагогика билим юртини битиргач, олий ўқув юртига имтиҳонларни ижобий баҳоларга топширди. Дастлаб муаллима, сўнгра туман ёшлар ташкилотининг масъул ходими бўлиб ишлаб, сиртдан ўқиди.

Муҳаббатхон педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаганда, қиз узатиб, невара кўрган буви эди.

Илмий раҳбар, жойи жаннатдан бўлғур Мушарраф Омилхонованинг унга кўп меҳнатлари синган. Опа қаттиққўл, бир кесар, етук педагог олима, ҳақиқий инсон эди. Опанинг ҳаётдан барвақт кўз юмганига, аввало худодан бўлса, қолаверса, турмушнинг ашаддий гирдоблари ва шу жумладан, шогирдининг йўлида қўққисдан тикилган тусиқлар ҳам баҳона бўлди...

Дўстинг бўлса, юкинг ерда қолмас экан. Яхши инсонлар маслаҳати билан илмий ишнинг ҳимояси қардош, жондош Озарбайжон давлат педагогика институтида ўтди. Муҳаббатхон Абдураимова ҳам турмуш сўқмоқлари оша, ҳар қандай машаққатларни енгиб, равон йўлга чиқиб олган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим марказининг бўлим бошлиғи. Умумий педагогик фаолиятига ҳадемай қирқ йил тўлади. «Ўзбек тили» республика доимий анжуманининг масъул котибаси, «Она тили» дарслиги муаллифларидан биридир.

Таълим марказининг покиза одамлари унинг ўз бурчини адо этишга сидқидилдан ёндошишини, кўпчилик манфаатини ўзиникидан устун қўйишлигини биладилар. Ишда, ҳудди айтилганидек, фидокор. Оилада режали бека, меҳрибон ая, жажжи нeвараларининг суюкли буваси, дугоналар даврасида эса, садоқатли дўст, ишончли ҳамкор, ҳамфикр.

Айтишларича, энг чиройли, энг доно инсонлар бахорда туғилар эмишлар. Шу саховатли ва тароватли кунларда Муҳаббатхон умр дафтарининг яна бир зарварағини очади.

Умр боқийлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда сермаҳсул ижод ҳақидаги тилакларимиз дўстларнинг самимий кутловларига ҳамоҳанг янграсин.

Тўлқин МУҲИДДИН

КРОССВОРД



Энига: 1. Марказий осиёлик тарихчи олим, «Бухоро тарихи» асари муаллифи. 4. Саъдийнинг нодир асари. 9. Тожикистондаги дарё. 10. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони қаҳрамони. 11. Ўзбекистонда учрайдиган энг йирик йиртқич қуш. 14. Фикр, мулоҳазани тасдиқловчи гувоҳ, исбот. 17. Шамсия йил ҳисобидаги учинчи ой номи. 18. Овруподаги давлат. 19. XIX аср бошларида Қўқон хони, мумтоз ўзбек шоири. 20. Булғория мамлакатидаги кулгисеварлар шаҳри. 24. Тошкентдаги қадимий дарвозалардан бири. 25. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг «Ёркинтой» драмаси қаҳрамони. 26. Усимликлар уруғидан мой чиқариш қурилмаси. 30. Бухоро шаҳридаги XVI-XVII асрда бунёд этилган меъморлик обидалари мажмуаси. 32. Ғарбий Африкадаги давлат. 33. Пазандалик анжоми. 34.Хивадаги меъморлик ёдгорлиги, собиқ хонлик саройи. 35. Техниканинг бирор соҳаси бўйича олий маълумотга эга бўлган мутахассис.

Бўйига: 1. Спиртдаги эритмаси техника ва табатда ишлатиладиган аммоний хлорид, рангсиз кристалл модда. 2. Пойабзалнинг тагчарм билан бириккан ердаги гир айланма нақшдор бўртиги. 3. Утмишда деҳқонлардан давлат хазинаси учун олинган солиқ. 5. Сўз бойлиги тўплами. 6. Самолёт, кемалардаги махсус зина. 7. Таниқли ўзбек хонандаси ва устоз театр санъати соҳибаси. 8. Жанговар қурол тури. 12. Самарқандниг Регистон майдонидаги меъморлик обидаси. 13. Фарғона водийсининг ғарбидаги сув омбори. 15. Ўзбек маърифатпарвар шоири «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари муаллифи. 16. Бино эшиги ёки деразасининг юқорисидаги токча қисми. 21. Даромад ёки маҳсулотдан ҳар кимнинг ўз улушини олиши. 22. Қимматбаҳо тош. 23. Бинонинг тошни кучайтириш қобилияти. 27. Ўзбек миллий таоми. 28. «Шашмақом» таркибидаги мақомлардан бири. 29. Маълум хўжаликка ажратилган ер майдони. 31. АҚШда асримиз бошларидан ишлаб чиқарилаётган автомобиль ва автобуслар маркаси.

Фозилжон ОРИПОВ.

Бош муҳаррир
ўринбосари:
Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21. 00

Буюртма Г— 011147. Нусхаси — 24.738. Масъул навбатчи: Довур ЖОЗИЛОВ. 123456